

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ШЕРКУЗИЕВА НАСИБА АБРОРОВА

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ДИВИДЕНД СИЁСАТИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИОН
ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри - 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Шеркузиева Насиба Аброровна

Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини оптималлаштириш орқали
инвестицион жозибадорликни ошириш3

Шеркузиева Насиба Аброровна

Повышение инвестиционной привлекательности посредством оптимизации
дивидендной политики акционерных обществ.....27

Sherkuzieva Nasiba Abrorovna

Increasing investment attractiveness by optimizing the dividend policy of joint-
stock companies51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ШЕРКУЗИЕВА НАСИБА АБРОРОВА

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ДИВИДЕНД СИЁСАТИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИОН
ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри - 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt991 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ташмурадова Бувсара Эгамовна**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Жумаев Нодир Хосиятович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Каримов Норбой Ғаниевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» 05 кuni соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (185 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «03» 05 кuni таркатилди.
(2021 йил «03» 05 даги 18- рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
Т.З.Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

[Signature]
Н.Н.Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

[Signature]
И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда акциядорлик жамиятларида самарали молиявий бошқарув белгиларидан бири акциядорларнинг манфаатларини қаноатлантирадиган, жамиятнинг бозордаги рақобатбардошлигини сақлаш ва уни оширишга имкон бера оладиган, аниқ шакллантирилган ва қатъий риоя этиладиган, дивиденд сиёсати ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда дивиденд тўловчи акциядорлик жамиятларига халқаро рейтинг агентликлари ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бунда, ҳар йили эълон қилинувчи нуфузли S&P 500 “Dividend aristocrats” индексини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Бинобарин, Буюк Британиянинг Financial Analysts журнали томонидан эълон қилинган тадқиқот натижаларига кўра таҳлилчилар, S&P 500 индекси таркибига кирувчи компанияларнинг дивиденд тўловларини амалга ошириш динамикасига кўра ўсувчи, барқарор, қисқартирувчи ва нолик каби гуруҳларга ажратган ҳолда ушбу гуруҳларни 30 йиллик даврдаги котировка нархларининг ўсиб бориши бўйича баҳолашган. Натижада, “энг кўп дивиденд тўлаган компанияларда ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичи 11%ни ташкил этган бўлса, умуман дивидендларни тўламайдиган компанияларда эса ўсиш энг паст – 2,4%ни ташкил этишини аниқлашган”¹. Бу эса акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатига бўлган ёндашувлар турлича эканлигини, мазкур сиёсатни юритиш билан боғлиқ турли қарашлар мавжудлигини ва улар бўйича тадқиқотлар олиб борилиши, корпоратив молиявий бошқарувнинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини кўрсатади.

Жаҳонда дивидендлар билан боғлиқ қарорларга илмий доирада ҳам қизиқиш юқори ҳисобланади. Жумладан, дунё амалиётида дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш ва бунда акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибadorлигини ошириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлиб, ушбу тадқиқотларда дивиденд сиёсатининг корпоратив молиявий бошқарувдаги ўрнини белгилаш, дивиденд сиёсатининг пул оқими ва акцияларнинг бозор баҳосига таъсирини аниқлаш, турли дивиденд сиёсати турларининг афзалликлари ва камчиликларини тадқиқ этиш, тўланаётган дивидендлар миқдорига таъсир этувчи омилларни баҳолаш, дивиденд тўловлари турларини таснифлаш ҳамда компаниянинг ўз акцияларини сотиб олиш сабабларини аниқлаш каби масалалар ўрганилган. Бироқ, жаҳонда дивиденд сиёсатининг турлича талқини, унинг компаниялар инвестицион жозибadorлигига таъсири бўйича қарашлар турли даражадалиги, оптимал дивиденд сиёсатини шакллантириш билан боғлиқ айрим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини тўлиқ топмаган.

Ўзбекистонда “иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак”².

¹ Robert D. Arnott, Clifford S. Asness. Surprise! Higher Dividends = Higher Earnings Growth. // Financial Analysts Journal. Volume 59, Issue 1, 1 Jan. 2003.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 29 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

Бу эса акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш орқали молиявий ресурсларни бошқариш бўйича оптимал қарорлар қабул қилиш, уларда молиявий таъминотни мустаҳкамлашда замонавий инструментлардан кенг фойдаланиш, инвестицион қарорлар қабул қилишда бошқарув стратегияларини жорий этиш, хусусийлаштириш амалиётларини самарали ташкил этиш каби долзарб вазифалар ижросини таъминлашни тақозо этади. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини халқаро тажрибалар асосида оптималлаштириш, инвестицион жозибадорликни ошириш масалалари танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 268-сон “Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, шунингдек, бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини ташкил этишнинг назарий, методологик асослари, иқтисодий мазмуни ва унинг компания қийматига, инвестицион жозибадорлигига таъсири масалалари бир қатор хорижий иқтисодчи олимлар, жумладан, Дж.К.Ван Хорн, Дж.М.Вахович, Stephen Ross, F. Brigham Eugene, C. Ehrhardt Michael, Merton H. Miller, Franco Modigliani, M. J. Gordon, J. Lintner, H. Robert Litzenberger, Krishna Ramaswamy, Р.Брейли, С.Майерс, F. Black, M.S. Scholes, Е.А. Шамин, О.А. Фролова, О.А.

Зубренкова, И.Я. Лукасевич³ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Дивиденд сиёсатини оптималлаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва бунда инвестицион жозибдорликни оширишнинг турли йўналишлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, О.О.Олимжонов, М.Б.Хамидулин, Р.Х.Карлибаева, Б.Э.Тошмуродова, С.Э.Элмирзаев, Н.Р.Турсунова, И.Л.Бутиков, Ф.Т.Мухамедов, Х.А.Қурбонов, О.Н.Ҳамдамов, Х.Х.Худойкулов, А.А.Шомиров, А.А.Мирисаев, Н.Т.Пўлатов, Ф.А.Хамидова, Ж.Ф.Каримов, К.Х.Акрамов, Д.Б.Бегматова, У.Р.Халиков, Ж.Ж.Қурбонов, Р.Р.Абдураупов, Н.М.Расуловларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган⁴.

³ Ван Хорн Дж.К. Основы управления финансами: Пер с англ./Под ред.И.И.Елисейевой. – М.:Финансы и статистика, 2003, стр.522; Ван Хорн Дж.К., Вахович Дж.М. Основы финансового менеджмента. 11-е издание. Москва-Санкт-Петербург-Киев.Издательский дом «Вильямс». 2004 - 988 с.; Ross, Stephen A, Fundamentals of Corporate finance. 6th edition. North Ryde, NSW McGraw-Hill Education (Australia), 2014.- p 756; Eugene Brigham F., Ehrhardt Michael C. “Financial Management: Teory & Practice” Fourteenth Edition, South-Western, USA: Cengage Learning, 2017 y. p. 1204; Merton H. Miller, Franco Modigliani. Dividend Policy, Growth and the Valuation of Shares // The Journal of Business, Vol. 34, No. 4 (Oct., 1961), pp. 411-433; Gordon M. J. Dividends, Earnings, and Stock Prices // The Review of Economics and Statistics, Vol. 41, No. 2, Part 1. May, 1959, p. 99-105; Lintner J. Distribution of Incomes of Corporations Among Dividends, Retained Earnings, and Taxes // The American Economic Review, Vol. 46, No. 2, 1956, pp. 97-113; Litzenberger Robert H, Ramaswamy Krishna. Effects of Personal Taxes and Dividends on Capital Asset Prices // Journal of Financial Economics, 1979, vol. 7, issue 2, p.163-195; Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов: Пер с англ. – М.: ЗАО Олимп-Бизнес, 1997, стр.401-404; Black F., Scholes M.S. The effects of dividend yield and dividend policy on common stock prices and returns // Journal of Financial Economics. 1974. Vol. 1. Iss. 1. P. 1–22; Шамин Е.А., Фролова О.А., Зубренкова О.А. Финансовый менеджмент // Княгинино: НГИЭИ, 2011. С. 162; Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент: учебник. 4-е изд., перераб. и доп. М.: Национальное образование, 2013. с.768.

⁴ Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров ва бошқ. Молиявий бошқарув/Муаллифлар жамоаси: -Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2009 – 433 бет.; Олимжонов О.О., Маликов Т.С. Молиявий менежмент. Т.: “Академия” нашриёти 1999 – 193 б.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления: автореферат дисс...д.э.н. – Ташкент, 2008.– с.12.; Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари: дисс. автореферати. и.ф.д. – Тошкент, 2018. – 14 б.; Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Турсунова Н.Р. Молиявий менежмент: Дарслик – Т.: Иқтисод-молия, 2017. - 336 б.; Бутиков И.Л. Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане: автореферат дисс...д-ра.эк. наук. – Т., 2009 г.; Мухамедов Ф.Т. Ўзбекистонда қимматли қозғалар савдо тизимларини такомиллаштириш. И.ф.н...автореф. – Т., 2012.; Курбанов Х.А. Корпоративные финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007. –184 с.; Ҳамдамов О.Н. Корхоналарда молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш. Иқт. фан. бўй. фал. док. (PhD)...автореф. – Т., 2018.; Худойкулов Х.Х. Фонд бозори активларини баҳолаш механизминини такомиллаштириш. Иқт. фан. бўй. фал. док. (PhD)...автореф. – Т., 2018.; Шомиров А.А. Акциядорлик жамиятлар молиявий ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқт. фан. бўй. фал. док. (PhD)...автореф. – Т., 2019.; Мирисаев А.А. Хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишнинг молиявий жиҳатлари. И.ф.н...автореф. – Т., 2008.; Пўлатов Н.Т. Очиқ акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н...автореф. – Т., 2011.; Хамидова Ф.А. Анализ и пути привлечения портфельных инвестиций в приватизированные предприятия. Автореф...к.э.н. – Т., 2008.; Каримов Ж.Ф. Компаниялар ва уларнинг акциялари бозор қийматини бошқариш масаллари. И.ф.н...автореф. – Т., 2011.; Акрамов К.Х. Совершенствование финансового обеспечения модернизации акционерных предприятий посредством ценных бумаг. Автореф...к.э.н. – Т., 2011.; Бегматова Д.Б. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш. Иқт. фан. бўй. фал. док. (PhD)...автореф. – Т., 2017.; Халиков У.Р. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Иқт. фан. бўй. фал. док. (PhD)...автореф. – Т., 2017.; Қурбонов Ж.Ж. Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш йўллари. Иқт. фан. бўй. фал. док. (PhD)...автореф. – Т., 2018. Абдураупов Р.Р. Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш: дисс. автореферати. и.ф.д. – Тошкент, 2016. – 23 б. Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув – инвестициялар самарадорлиги кафолати, Монография, –Т.: ТДИУ нашриёти, 2011 йил, 126 б.

Юқорида қайд этилган олимлар томонидан ушбу муаммонинг айрим жиҳатларини ўрганиш бўйича турли фикрлар билдирилган, бироқ, республикамиздаги акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини оптималлаштириш борасида бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан чуқурроқ тадқиқ қилишни талаб этади. Хусусан, ҳозирги шароитда дивиденд сиёсатини шакллантиришда корпоратив молиявий бошқарув жараёнида иштирок этувчи қатнашчиларнинг барчасини талабини инобатга олган ҳолда дивиденд сиёсатига таъсир этувчи асосий факторларни аниқлаш, дивиденд сиёсатини акциядорлик жамияти инвестицион жозибаторлигига таъсирини ўрганишдаги жиҳатлар алоҳида илмий йўналиш сифатида комплекс тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат ҳам танланган мавзунинг долзарблигини англатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини оптималлаштириш орқали инвестицион жозибаторликни ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишнинг иқтисодий асослари ва унинг асосий хусусиятларини ёритиб бериш;

дивиденд сиёсатининг асосий назариялари ва дивидендлар танловининг давлатлараро фарқланишини ўрганиш;

корпоратив тузилмалар дивиденд сиёсатини инвестицион жозибаторликни таъминлашдаги иқтисодий ва ташкилий механизмини ёритиб бериш;

республикамиздаги акциядорлик жамиятларида фойдани тақсимланиши ва унда дивидендларнинг улушини таҳлил қилиш орқали ривожланиш босқичларига мос келувчи дивиденд сиёсати турини таклиф қилиш;

дивиденд сиёсатини компания бозор қийматига ва акциялар қийматига таъсирини таҳлилий баҳолаш орқали таклифлар бериш;

дивиденд тўловлари асосида инвестицион стратегияни амалга оширишда акциялар танловини амалга ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

жаҳондаги ривожланган компаниялар дивиденд сиёсати борасидаги тажрибасини республикамизда қўллаш имкониятлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

дивиденд сиёсатини оптималлаштириш орқали корпоратив молиявий бошқарув тизими барқарорлигини ошириш йўллари тадқиқ этиш;

акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини юритиш амалиётидаги муаммоларни таҳлил қилиш ва дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш

бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари ва уларнинг дивиденд сиёсати ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини оптималлаштириш орқали инвестицион жозибadorлигини оширишда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик ва эксперт баҳолаш, корреляцион ва регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

акцияларни танлаш босқичларида дивидендларнинг барқарорлиги индекси (DSI)ни қўллаш орқали дивиденд тўловларини мунтазам ошириб бориш ҳамда ахборотлар шаффофлигини таъминлаш асосида самарали дивиденд сиёсати таклиф этилган;

соф фойданинг 50 фоизини дивидендларга йўналтиришни белгилаш орқали миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибadorлигини ошириш асосланган;

чорақлик дивиденд тўловларини тўлаш орқали маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш ва акциядорлик жамиятлари капиталлашув даражасини ошириш таклиф этилган;

акциядорлик жамиятларида дивиденд тўловлари миқдорини 7,1 баробар ошириш орқали капитализация ҳажмини 10,1 баробарга кўпайиши ҳисобига дивиденд сиёсатини оптималлаштириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

молия бозорига инвесторларни жалб қилишда тўланаётган дивидендлар бўйича календарь жорий қилиш таклиф этилган;

акциялар даромадлиги, реал қиймати ҳамда акциялар эмиссияси ҳисобига шаклланадиган капитал баҳосини ҳисоблашга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган;

дивиденд тўловлари асосида инвестицион стратегияни шакллантиришда акциялар танловини амалга ошириш босқичлари ишлаб чиқилган;

миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида дивиденд тўлашнинг Сингапур давлати тажрибаси асосида республикамизда оддий акцияларни А ва Б категорияларга ажратиш таклифи асосланган;

республикамизда мунтазам равишда дивиденд тўловчи акциядорлик жамиятлари бўйича махсус “Дивиденд аристократлари” индексини жорий қилиш таклиф этилган;

республикамиздаги акциядорлик жамиятлари фаолиятига маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг маблағларини жалб қилишга ижобий таъсир этиш мақсадида дивидендлар бўйича Муҳим факт киритиш лозимлиги асосланган;

дивиденд тўлаш жараёни кетма-кетлигини халқаро тажрибага уйғунлаштириш ҳамда акциядорлик жамиятлари ривожланиш босқичларига

мос дивиденд сиёсатини юритиш орқали уларни хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш, инвестицион жозибадорлигини ошириш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба–синов ишлари самарадорлигининг математик–статистик ишончлилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишончлилик талабларига жавоб бериши, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Тошкент” Республика фонд биржаси, Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистик маълумотларига, шунингдек, республикадаги акциядорлик жамиятлари ва хорижий компанияларнинг молиявий ҳисоботлари, амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини оптималлаштириш орқали инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича норматив–ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, шунингдек, илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш орқали инвестицион фаолиятни бошқариш бўйича оптимал қарорлар қабул қилиш, молиявий таъминотни мустаҳкамлашда замонавий инструментлардан кенг фойдаланиш, хусусийлаштириш амалиётларини самарали амалга оширишда инвестицион қарорлар қабул қилиш бўйича бошқарув стратегияларини шакллантириш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини оптималлаштириш орқали инвестицион жозибадорликни ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

акцияларни танлаш босқичларида дивидендларнинг барқарорлиги индекси (DSI)ни қўллаш орқали дивиденд тўловларини мунтазам ошириб бориш ҳамда ахборотлар шаффофлигини таъминлаш асосида самарали дивиденд сиёсатини юритиш таклифи “Тошкент” Республика фонд биржаси фаолиятида ҳамда “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ, ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖ, “Фарғонаазот” АЖларининг Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Тошкент” Республика фонд биржасининг 2020 йил 11 майдаги № 01/16-07-303-сон, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖнинг 2020 йил 30 октябрдаги 01-16/630-сон, ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖнинг 2020 йил 12 октябрдаги 10-сон, “Фарғонаазот” АЖнинг 2021 йил 15 февралдаги 43/729-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни жорий этилиши натижасида Республика фонд биржаси веб сайтыда листингдан ўтган акциядорлик жамиятлари бўйича алоҳида рукн кўринишида тўланаётган дивидендлар бўйича календарь жорий қилинган ҳамда акциядорлик жамиятларига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг

жалб қилиш, уларда хусусийлаштириш амалиётларини муваффақиятли кечиши, мамлакатимиз фонд бозорида корпоратив ошкоралик ва бозор шаффофлигини таъминлаш имконини берган;

соф фойданинг 50 фоизини дивидендларга йўналтиришни белгилаш орқали миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибаторлигини ошириш бўйича таклифи “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ, ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖлари томонидан Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Ўзагрокимёҳимоя” АЖнинг 2020 йил 30 октябрдаги 01-16/630-сон, ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖнинг 2020 йил 12 октябрдаги 10-сон маълумотномалари). Натижада, акциядорлик жамиятлари томонидан Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низомда соф фойдадан камида 50% дивиденд тўловларига йўналтирилиши меъёри белгиланган, бу эса акциядорлик жамиятларига инвесторларнинг қизиқишларини ошишига, акциялар курсини ижобий ўзгаришига, фаолиятга қўшимча маблағларни жалб этишга замин яратган;

чораклик дивиденд тўловларини тўлаш орқали маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш ва акциядорлик жамиятлари капиталлашув даражасини ошириш бўйича таклифи ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖ, “Фарғонаазот” АЖларини хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибаторлигини ошириш бўйича ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖнинг 2020 йил 12 октябрдаги 10-сон, “Фарғонаазот” АЖнинг 2021 йил 15 февралдаги 43/729-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятларига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, хусусийлаштириш амалиётларини самарали амалга ошириш имконини берган;

акциядорлик жамиятларида дивиденд тўловлари миқдорини 7,1 баробар ошириш орқали капитализация ҳажмини 10,1 баробарга кўпайиши ҳисобига дивиденд сиёсатини оптималлаштириш бўйича таклифи ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖнинг Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖнинг 2020 йил 12 октябрдаги 10-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятининг инвестицион жозибаторлигини янада ошириш ва молиявий ресурсларнинг оқимини сезиларли даражада ўсишига эришилган. Хусусан, ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖ томонидан 2014-2019 йиллар мобайнида акциялар бўйича дивиденд миқдорини (акцияларнинг даромадлилиги) 7,1 баробарга ошириш акциялар бозор баҳосини 10,1 баробар ортиши орқали жамиятнинг капитализация ҳажмини 46763,5 млн.сўмдан 475130,9 млн.сўмгача ўсишига замин яратган. Шунингдек, акциядорлик жамияти дивиденд сиёсатини юритишни эконометрик таҳлил қилиш натижасида акциялар бозор баҳоси ўзгаришини прогноз қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари

12 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, шу жумладан, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шу билан бигаликда, кириш қисмида тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш орқали инвестицион жозибадорликни таъминлашнинг назарий ва иқтисодий асослари”** деб номланган биринчи бобида акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишнинг иқтисодий асослари ва унинг асосий хусусиятлари, дивиденд сиёсатининг асосий назариялари ва дивидендлар танловининг давлатлараро фарқланиши, акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини инвестицион жозибадорликни таъминлашдаги ўзига хос жиҳатлари атрофлича тадқиқ қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Дивиденд сиёсати, унинг турли муаммоли жиҳатлари бир қатор маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганиб келинмоқда. Мавзуга бўлган бундай эътибор бир қанча омиллар билан белгиланади. Фикримизча, уларнинг асосийлари хорижлик иқтисодчи олимлар Дж.К.Шим ва Дж.Г.Сигел томонидан шакллантирилган, уларнинг таъкидлашича:

“биринчидан, дивиденд сиёсати инвестицион муносабатларга таъсир кўрсатади. Акциядорлар дивидендларни мунтазам камайтирувчи акциядорлик жамиятларига салбий муносабатда бўлиб, бу ҳолат ўз навбатида акцияларнинг бозор баҳосини тушиб кетишига сабаб бўлади;

иккинчидан, дивиденд сиёсати акциядорлик жамиятининг молиявий стратегиясига ва капитал қўйилмалар бюджетига таъсир қилади;

учинчидан, дивиденд сиёсати акциядорлик жамиятининг пул оқимига таъсир кўрсатади. Ликвидлилик даражаси юқори бўлмаган акциядорлик жамиятлари дивиденд тўловларини чеклашга мажбур бўлиши мумкин;

тўртинчидан, дивидендлар фойдадан тўланганлиги сабабли акциядорлик капиталини камайтириш хусусиятига эга. Натижада, қарз капиталини акциядорлик капиталига нисбати коэффициентини ошишига олиб келади”⁵.

Юқорида қайд этилганлардан шуни таъкидлашимиз мумкинки, дивиденд сиёсати акциядорлик жамиятларининг молия бозоридаги мавқеига таъсир ўтказиши билан бирга, давлат миқёсида фуқароларнинг ўз жамғармаларини молия бозорига йўналтирувчи кучдир.

Бизнингча, дивидендларнинг давлат ва корпоратив тузилмалар миқёсидаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уни қуйидаги 1-расмда келтириб ўтамыз.



1-расм. Дивидендларнинг иқтисодиётдаги ўрни⁶

Шу билан бирга ҳозирги кунда ташқи иқтисодий муҳитда рўй бераётган ўзгаришлар корпоратив молиявий бошқарув муаммоларига эътибор қаратишга мажбур қилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунда компания бозор қийматини ошириш мақсадида акциядорлар ўртасида тақсимланувчи ва фаолиятни молиялаштиришга йўналтирилувчи фойда ўртасидаги нисбатни оптималлаштиришга қаратилган дивиденд сиёсати корпоратив молиявий бошқарувнинг муҳим вазифасига айланиб бормоқда.

Дивиденд сиёсати масалалари бизнес муҳитида ҳам юқори аҳамиятга эга. Жумладан, Moody's агентлигининг корпоратив молиялаштириш бўйича кичик бошқарувчи директори Виктория Майсурадзенинг фикрига кўра, “Дивиденд сиёсати –компаниянинг кредит рейтингини аниқлашдаги асосий факторлардан бири ҳисобланади”⁷. Иқтисодчи олимлар Брейли ва Майерслар

⁵ Шим Джей К., Сигел Джоэл Г. Финансовый менеджмент: пер. с англ. М.: Филин, 1996.400 с. 342 стр.

⁶ Тадқиқотчи томонидан шакллантирилган.

⁷ М.Товкайло, О.Плотнова, Д.Фомченко. Минфин хочет получать дивиденды госкомпаний по МСФО. // Ведомости. - 14 май 2013 г.- 81 (3343).- стр.4.

томонидан, фойдани тақсимлаш масаласи, хусусан, дивиденд тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ мунозаралар, молия соҳасидаги ҳал қилинмаган муаммолар ўнталигига киритилган⁸. Бу эса ушбу масалалар тадқиқотчилар ва амалиётчилар ўртасида мунозарали мавзу бўлиб қолаётганлигини кўрсатади.

Ҳозирги даврда республикамизда капитал бозорини ривожлантириш, инвестицион маблағларни жалб қилиш, акциядорлик жамиятларини хусусийлаштириш билан боғлиқ жараёнларни самарали амалга ошириш, фонд бозори ликвидлилигини ошириш ва бошқа шу каби ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар, акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини оптималлаштиришни, замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш ва юритишни тақозо этмоқда. Зеро, илмий жиҳатдан олиб қараганимизда ҳам, дивиденд сиёсатининг ўзига хос асосий хусусиятларини тадқиқ этиш билан боғлиқ айрим масалалар ҳозирги даврга қадар кам ўрганилганлигини кузатмоқдамиз, ваҳоланки, ушбу соҳадаги дастлабки илмий тадқиқотлар ўтган асрнинг биринчи ярмида яратила бошланган⁹. Бу эса дивиденд сиёсати билан боғлиқ бир нечта муқобил назарияларнинг ўзаро параллел равишда мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг аксарияти бир-биридан тубдан фарқланиши билан тавсифланади.

Бугунги кунга қадар илмий доирада оптимал дивиденд сиёсатини шакллантириш бўйича асосан ривожланган мамлакатлар компаниялари доирасида изланишлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Шунингдек, республикамизда ҳамда МДҲ давлатлари тадқиқотчилари томонидан акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсати параметрлари комплекс ҳолда жуда чекланган даражада тадқиқ этилганлигини кузатишимиз мумкин. Назаримизда, бунга асосий сабаб сифатида фонд бозорларининг нисбатан ёш бозор эканлиги, эркин муомаладаги қимматли қоғозларнинг сони ва турларининг чекланганлиги ва бошқаларни келтириб ўтишимиз мумкин. Лекин шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, алоҳида илмий тадқиқотларда дивиденд сиёсатининг айрим жиҳатлари ҳақида фикр юритилади.

Умуман олганда, дивиденд сиёсатини ривожланиши натижасида маълум бир назарияларнинг юзага келганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида дивиденд сиёсатининг асосий назарияларини икки гуруҳга ажратишимиз мумкин. Биринчи гуруҳга дивидендларни муҳимлигини инкор этувчи назарияларни киритсак, иккинчи

⁸ Brealey, Meyers. Principles of Corporate Finance//The Mc Graw–Hill Companies, 2003. Seventh Edition: стр. 1001–1002.

⁹ Black F., Scholes M.S. The effects of dividend yield and dividend policy on common stock prices and returns // Journal of Financial Economics. 1974. Vol. 1. Iss. 1. P. 1–22.

DeAngelo H., DeAngelo L., Stulz R. Dividend policy and the earned/contributed capital mix: a test of the life-cycle theory // Journal of Financial Economics. 2006. No 81. P. 227–254.

Denis D.J., Osobov I. Why do firms pay dividends? International evidence on the determinants of dividend policy // Journal of Financial Economics. 2008. Vol. 89. Iss. 1. P. 62–82.

Fama E., French K. Disappearing dividends: changing firm characteristics or lower propensity to pay? // Journal of Financial Economics. 2001. No 60. P. 3–43.

Miller M.H., Rock K. Dividend Policy Under Asymmetric Information // The Journal of Finance. 1985. No 40. P. 1031–1051.

гурухга дивидендларни муҳимлигини ёқловчи назарияларни киритдик (1-жадвал). Мазкур назарияларнинг асосийлари ва улар томонидан илгари сурилган ғоялар қуйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Дивиденд сиёсатининг асосий назариялари¹⁰

	Назария номи	Назария асосчилари	Асосий ғоя
Дивидендлар муҳимлигини инкор этувчи назариялар	Дивидендлар иррелевантлиги назарияси	Ф.Модильяни М.Миллер	Назария асосчилари дивиденд сиёсати компания бозор қийматига ҳам, мулкдорларнинг моддий ҳолатига ҳам таъсир этмайди, деган ғояни илгари суради.
	Солиқлар воситасидаги афзалликлар назарияси	Р.Литценбергер К.Рамасвами	Дивиденд сиёсати мулкдорларнинг жорий даврдаги ва келгусидаги даромадларидан солиқ тўловларини минималлаштириш мезони сифатида қаралади. Шу аснода, дивиденд тўловларини минималлаштириш ва фойдани реинвестиция қилишни максималлаштириш жараёни муҳим ҳисобланади.
Дивидендларнинг муҳимлигини ёқловчи назариялар	Дивидендларнинг афзаллиги ёки “кўлдаги қуш” назарияси	М.Гордон Ж.Линтнер	Инвесторлар фойдани реинвестиция қилишдан кўра жорий даврдаги дивидендлар кўринишидаги фойдани афзал билишади.
	Дивидендларнинг сигнал назарияси	С.Росс	Дивидендлар компания истикболлари ва унинг молиявий ҳолати ҳақида инвесторларга сигнал бериш воситаси ҳисобланади.
	“Мижоз эффекти” назарияси	М.Бреннан	Компания дивиденд сиёсати инвесторларнинг қутилмаларига асосланади. Ўз навбатида бунда инвесторлар компанияни унинг дивиденд сиёсатини инобатга олган ҳолда танлашади.

Дивиденд сиёсати билан боғлиқ назарияларни ўрганиб, шундай хулосага келдикки, ҳозирги даврда барча акциядорлик жамиятлари фаолиятига бирдек тадбиқ этиш мумкин бўлган ягона дивиденд сиёсати мавжуд эмас. Жумладан, турли давлатлардаги акциядорлик жамиятлари томонидан дивиденд тўловлари билан боғлиқ муносабатларга тўхталсак, уларда ушбу муносабатларнинг турлича эканлигини кузатиш мумкин.

Бу борада олиб борилган тадқиқотларни ўрганишимиз натижасида аниқладикки, “компаниялар фаолият юритадиган институционал муҳит уларнинг дивидендлар борасидаги танловига сезиларли таъсир кўрсатиши сабабли”¹¹, турли мамлакатларни тадқиқ этиш натижалари бир биридан кескин фарқ қилиши мумкинлигини кўрсатди. Энг кўп фарқланиш “ривожланган ва ривожланаётган бозорларда”¹², “англосаксон ва

¹⁰ Иқтисодий адабиётлардан фойдаланилган ҳолда тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

¹¹ R. La Porta, F. Lopez-de-Silanes, A. Shleifer, R. Vishny. Agency problems and dividend policies around the world // Journal of Finance LV, 1. 2000. p.1–33.
M.Faccio, L. Lang L. Young. Dividends and Expropriation // The American Economic Review, Vol. 91, No. 1 Mar. 2001., p. 54-78.

¹² D.Glen, Y. Karmokolias, R. Miller, S. Shah. Dividend Policy and Behavior in Emerging Markets: To pay or not to pay // IFC Discussion Paper No: 26. 1995.

евроконтиненталь моделларига асосланган қонунчилик тизимига эга мамлакатларда”¹³ кузатилмоқда. Англосаксон моделига асосланган қонунчилик тизимига эга мамлакатларда акциядорлар ҳуқуқлари кучли ҳимоя қилинган¹⁴. Континенталь моделига асосланган қонунчилик тизимига эга мамлакатларда эса миноритар акциядорлар камроқ ҳуқуққа эга. Ўз навбатида менежерлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар биринчи навбатда йирик акциядорларнинг манфаатларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Республикада эса давлат стратегик аҳамиятга эга акциядорлик жамиятларида ўз улушига эга бўлиши билан бирга, жами акциядорлик жамиятларида ҳам юқори улушни эгалламоқда. Бундай ҳолатда давлат марказлашган ёндашувга таянади. Шу билан бирга Республикада молия бозори ривожланаётган бозор эканлигини инобатга олган ҳолда ҳамда республикада давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида ўтказилиши режалаштирилган хусусийлаштириш амалиётларининг самарали амалга оширилишига эришиш учун фикримизча, соф фойдадан дивиденд тўловларига ажаратиладиган минимал чегарани белгилаб олган ҳолда дивиденд сиёсати юритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман олганда, акциядорлик жамиятлари томонидан акциядорларга дивиденд тўлаш сабабларини тушунтириб берувчи бир неча назариялар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ривожланган бозорларда бир неча бор синовдан ўтказилган, бунда улар ўз тасдиғини топиши билан биргаликда, рад ҳам этилган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, олимлар томонидан дивиденд танловининг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш билан боғлиқ тадқиқотларда, компаниялар томонидан мазкур танловга таъсир этувчи асосий омилларнинг рўйхати ўрганилган ва шакллантирилган, жумладан, “компания ҳажми, рентабеллик, инвестицион имкониятлар, жалб қилинган капитал баҳоси, жалб қилинган ва ўз капитал нисбати”¹⁵ ва бошқалар. Бундан ташқари, тадқиқотларда ривожланган бозорлардаги компаниялар одатда оддий эмпирик дивиденд моделига риоя қилиши ҳам аниқланган¹⁶. Лекин юқорида қайд этилганларга қарамадан, компания менежерлари дивидендлар ҳажми ва уларни тўлаш борасидаги қарорларни қабул қилишда “Улар қандай асосларга таянади?” деган савол ҳали ҳануз очиқлигича қолмоқда.

Шу билан бирга қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятлари фаолият кўлами ва йўналиши кенгайиб, янгича тус олиб бораётганлиги натижасида фонд бозорлари ривожланишида улар томонидан юритилаётган

Aivazian V., L. Booth S. Cleary. Do emerging market firms follow different dividend policies from U.S. firms? // *The Journal of Financial Research*, Vol. 26, No. 3. 2003. p. 371-387.

¹³ J. Farinha, O. López-de-Foronda. The relation between dividends and insider ownership in different legal systems: international evidence // *The European Journal of Finance*, Vol. 15, No. 2. Feb. 2009. p. 169-189.

¹⁴ R. La Porta., F. Lopez-de-Silanes, A. Shleifer, R. Vishny. Law and Finance // *Journal of Political Economy*, Vol. 106, No. 6. Dec. 1998. p. 1-33.

¹⁵ E.F. Fama, K.R. French. Disappearing Dividends: Changing Firm Characteristics or Lower Propensity to Pay? // *Journal of Financial Economics*, 60 (1). 2001. p.3-43


DJ. Denis, I. Osobov. [Why do firms pay dividends? International evidence on the determinants of dividend policy](#) // *Journal of Financial economics* 89 (1), p.62-82

¹⁶ J. Lintner. Distribution of Incomes Corporations Among Dividends, Retained Earnings and Taxes // *American Economic Review* 46 (2) 1956. 97-113.

дивиденд сиёсати аҳамиятини ошишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида, иқтисодчи олимлар томонидан оптимал дивиденд сиёсатини шакллантириш ҳамда унинг акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибadorлигига таъсирини тадқиқ этиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилишини тақоза қилмоқда.

Фикримизча, маълум бир капитал эгаси учун ўз маблағларини акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозларига инвестиция қилишда пировард мақсад, инвестицион объект бозор қийматини ошиши ҳисобланади, бу эса бошқа потенциал инвесторлар учун ҳам корхонанинг инвестицион жозибadorлигини оширувчи асосий омиллардан биридир. Мазкур жараёни эса самарали шакллантирилган ва юритилаётган дивиденд сиёсатисиз тасаввур эта олмаймиз.

Диссертация ишининг иккинчи боби “**Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш механизми ва унинг амалдаги ҳолати таҳлили**” деб номланиб, ушбу бобда акциядорлик жамиятларида фойдани тақсимланиши ва унда дивидендларнинг улуши таҳлили, дивиденд сиёсатини акциядорлик жамияти бозор қийматига ва акциялар қийматига таъсирини эконометрик таҳлил қилиш, дивиденд тўловлари асосида инвестицион стратегияни амалга оширишда акциялар танловини амалга ошириш тартиби келтирилган бўлиб, уларни таҳлили натижасида қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.



2-расм. Республикадаги акциядорлик жамиятлари томонидан дивидендларга йўналтирилган соф фойда улуши, (фоизда)¹⁷.

Таҳлилларимизга кўра “Тошкент” РФБдаги оддий акцияларнинг нархлари нисбатан бозор характерига эгаллигини кўрсатса, имтиёзли акциялар бўйича эса бундай дея олмаймиз, чунки нархларни бундай юқори бўлиши акцияларнинг реал баҳосини кўрсатиб бера олмаяпти (бозор ликвидлиги паст, қимматли қоғозларнинг турлари чегараланган ва бошқалар). Фикримизча, бунда акциядорлик жамиятлари томонидан дивидендларга ажратилган соф фойда улушини баҳолаш лозим, деб ҳисоблаймиз ва

¹⁷ “Avesta investment Group” маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.

2-расмда акциядорлик жамиятларини тармоқларга ажратган ҳолда дивидендларга йўналтирилган соф фойда улушини таҳлил қиламиз (2-расм).

Олиб борган таҳлилларимизга кўра, акциядорлик жамиятлари томонидан 2017 йилда дивидендларга йўналтирилган соф фойданинг ўртача улуши 39,5%ни, 2018 йилда 31,8%ни, 2019 йилда эса 41,8%ни ташкил этди. Бунда 2018 йилда 2017 йилга нисбатан соф фойданинг дивидендларга ажратилган улушини камайишини кузатишимиз мумкин. Акциядорлик жамиятларининг фаолият натижаларига кўра 2018 йилда асосан банклар, қурилиш, қурилиш материаллари, молия ва нефт-газ тармоқларида соф фойданинг дивидендларга ажратилган улуши сезиларли пасайган бўлса, бошқа тармоқларда эса ўсиш кузатилган. Шунинг ҳам алоҳида қайд этишимиз керакки, 2018 йилда банк ва молия тармоқларидаги акциядорлик жамиятлари ўз капиталини ошириш талабини бажарган бўлса, қурилиш материаллари ва нефт-газ тармоқлари ўз ресурсларини турли лойиҳаларга йўналтиришга асосий эътибор қаратган, мазкур жараёнда тўловларни камайишини табиий ҳол, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, 2020 йилда пандемия шароитида давлат бюджетининг кўшимча харажатлари юзага келганлиги сабабли акциядорлик жамиятларида 2019 йилдаги тақсимланмаган фойдани дивидендлар кўринишида тўланиши давлат томонидан белгилаб қўйилди ва бунда акциядорлик жамиятлари томонидан дивидендларга йўналтирилган соф фойда улуши 50%дан 85%гача ташкил этди. Натижада, 2020 йилда эълон қилинган ўртача дивидендларга йўналтирилган соф фойда улуши 41,8%ни ташкил этди.

Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, бунда айрим тармоқ корхоналарида пасайиш кузатилган. Жумладан 2019 йилда банклар томонидан 22,1% соф фойда дивидендларга йўналтирилган. Бунда банкларнинг кредит портфелини ўсиши, ҳукумат томонидан пандемиядан энг кўп зарар кўрган тармоқларга асосий қарз ва фоизини тўлаш бўйича таътиллари берилиши банкнинг ликвидлилик коэффицентини пасайишига сабаб бўлган. Электр-энергетика тармоғида ҳам кескин пасайиш кузатилган, бунга сабаб 2019 йилда ушбу тармоқ корхоналари деярли фойда кўрмаган.

Умуман олганда, Республикада Корпоратив ахборотлар ягона порталида эълон қилинган маълумотларга кўра, 2019 йил натижаларига асосан 278 акциядорлик жамиятлари (599 та АЖлардан) 5,77 трлн. сўмга яқин дивиденд тўловларини амалга оширган.

Амалиётда акциядорлик жамиятлари томонидан дивиденд сиёсатини юритишда учта принципиал ёндашувга таянилиб, улар асосида дивиденд сиёсатининг “консерватив”, “ўртамиёна” (мўътадил) ва “агрессив” каби кўринишлари фаркланади. Фикримизча, бунда юритилаётган дивиденд сиёсати турини аниқлаш ва баҳолашда, фойдани реинвестиция қилиш коэффицентини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, таҳлилларга кўра “Жиззах пластмасса” АЖда 2014-2017 йилларда олинган соф фойдадан дивиденд тўловларига йўналтирилган улуши мос равишда 24,9% дан 50,0% гача етган бўлса, 2018 йилда эса 80,0%ни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

“Жиззах Пластмасса” АЖда дивиденд сиёсати турлари таҳлили¹⁸

№	Йиллар	Жами ажратилган сумма, сўм	Соф фойда, минг сўм	Фойдани реинвестициялаш коэффициенти	Дивиденд сиёсати тури
1.	2014	112 980 267,26	451 927,00	0,75	Ўртамиёна
2.	2015	255 151 961,12	510 306,00	0,50	Ўртамиёна
3.	2016	684 051 662,00	1 368 096,00	0,50	Ўртамиёна
4.	2017	5 951 180 340,00	11 902 511,00	0,50	Ўртамиёна
5.	2018	5 405 380 604,00	6 756 990,00	0,20	Агрессив
6.	2019	1 677 850 000,00	3 355 700, 00	0,50	Ўртамиёна
7.	2020 (Прогноз)	2 164 960 000,00	4 329 910, 00	0,50	Ўртамиёна

Бунда асосий сабаб сифатида акциядорлик жамиятида амалга оширилган ПРО амалиётини кўрсатишимиз мумкин. Олиб борилган тадқиқот натижасига кўра, акциядорлик жамиятлари ўз фаолиятларининг дастлабки босқичларида консерватив дивиденд сиёсатини қўллаши, ривожланишнинг кейинги босқичларида эса дивиденд сиёсатининг бошқа турларига амал қилиши, шунингдек, ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда дивидендларнинг максимал нуқтасини белгилаб олиб, фойда кўрсаткичининг ўсишини давом эттиришга мутлоқ амин бўлганидагина, дивиденд сиёсатининг бир туридан бошқа турига ўтиши мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдик.

Биз, тадқиқотимиз давомида акциядорлик жамиятлари бозор капитализацияси ва тўланаётган дивидендлар миқдори ўртасида ўзаро боғлиқликнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун эконометрик таҳлилни амалга оширдик (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятлари томонидан тўланган дивидендлар миқдори ва бозор капитализация ҳажмини корреляцион-регрессион таҳлил натижалари¹⁹

№	Кўрсаткичлар	“Қизилқум цемент” АЖ	“Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” АЖ	“Тошкентвино комбинати” АЖ
1.	Тўланган дивидендлар ва капитализациянинг ўзаро боғлиқлик коэффициенти	0,848545	0,819354	0,990993
2.	Бир бирлик акцияга тўланган дивиденд ва капитализациянинг ўзаро боғлиқлик коэффициенти	0,856523	0,821201	0,986254

Бунда биз, турли тармоқлардаги ва бозорда котировка нархига эга бўлган акциядорлик жамиятларини танлаб олиб, уларнинг 2014-2019 йиллар давомида ҳар йили бир дона акцияга тўлаган дивидендлари миқдори ва унинг капитализация ҳажми билан боғлиқлигини эконометрик таҳлил қилдик. Натижада, танлаб олинган акциядорлик жамиятларида ушбу кўрсаткичлар ўртасида тўғридан-тўғри ва кучли боғлиқлик мавжуд эканлигини аниқладик.

¹⁸ “Жиззах Пластмасса” АЖнинг ҳисобот маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.

¹⁹ Акциядорлик жамиятлари маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.

Чунки, юқоридаги жадвал маълумотларида келтирилганидек аниқланган боғлиқлик коэффиценти барча ҳолатларда 0,8 дан юқори эканлигини кўрсатди. Детерминация коэффиценти 0,7389 га тенг, бу эса вариациянинг 73,89%и тўланаётган дивидендлар ҳажми билан боғлиқлигини, қолган 26,11% эса бошқа омиллар натижасида акциядорлик жамиятлари капитализациясининг ўзгараётганлигини англатади.



3-расм. 2014-2019 йиллар мобайнида “Тошкентвино комбинати” АЖ томонидан тўланган дивидендлар миқдори ва капитализация ҳажми²⁰

Юқоридаги 3-расм маълумотларига кўра, ушбу боғлиқликни аниқлаш натижасида “Тошкентвино комбинати” АЖда акциялар бўйича дивиденд миқдорини 7,1 баробарга ошириш акциялар бозор баҳосини 10,1 баробар ортиши орқали жамиятнинг капитализация ҳажмини 46763,5 млн.сўмдан 475130,9 млн.сўмгача ўсишига олиб келди. Ушбу таҳлиллар натижасида биз, шунингдек, акциялар бозор баҳоси ва дивидендларнинг ўзгаришини прогноз қилишимиз мумкин бўлади. Бу эса акциядорлик жамиятларига дивиденд сиёсатини юритишда, унинг таъсир натижасини баҳолашга замин яратса, инвесторларга эса маблағларни ўз мақсадларидан келиб чиқиб йўналтиришларига имкон беради.

Қимматли қоғозлар бозорида иштирок этар эканмиз, ҳар биримиз киритган сармоядан у ёки бу даражада даромад олишга ҳаракат қилишимиз табиий ҳол, албатта. Мадомики, бунда ҳар бир инвестор ўз мақсадларидан келиб чиқиб ёндашади ва маълум бир стратегияни қўллайди. Биз, тадқиқотларимиз давомида дивиденд тўловлари асосида инвестицион стратегияни амалга оширишда акциялар танловини амалга ошириш жараёнини таҳлил қилдик ва ушбу танловни амалга ошириш босқичларини шакллантирдик. Дастлаб, ушбу танловни амалга оширишга замин яратиш мақсадида, ахборотлар манбаини шакллантириш лозим деб ҳисобладик. Мазкур таклифларимиз асосида Республика фонд биржаси веб сайтыда листингдан ўтган акциядорлик жамиятлари бўйича алоҳида рукн кўринишида тўланаётган дивидендлар бўйича календарь жорий қилинди.

²⁰ “Тошкентвино комбинати” АЖ маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган

Фикримизча, бундай турдаги инвестицион стратегияга амал қилувчи инвесторлар учун акцияларни сотиб олишда DSI индексини қўллаш орқали дивидендларни йилдан-йилга ўзгаришини прогноз қилиш имкони ошади. Мазкур индекс нолдан биргача қийматларни олиши мумкин. Аниқлашимизга кўра, акциялар бўйича дивиденд тўловлари барқарор тўлангани билан у 7 йил давомида кетма-кет амалга оширилмаса, натижа DSI=1 бўлмайди (4-жадвал).

4-жадвал

Акциядорлик жамиятларида дивиденд бўйича даромадлилик кўрсаткичи ва дивидендларнинг барқарорлиги индекси таҳлили²¹

№	Акциядорлик жамиятлари	Дивиденд бўйича даромадлиги (DY) (2018 йил натижаларига кўра)	Дивиденд барқарорлиги индекси (DSI) (7 йил давомида тўланган дивидендлар асосида)
1.	“Урганч ёғ-мой” АЖ	25,78%	1
2.	“Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси” АЖ	5,79%	0,92
3.	“Ўзбеккимёмаш заводи” АЖ	44,14%	0,85
4.	“Косон ёғ-экстракция” АЖ	12,85%	0,85
5.	ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖ	7,30%	0,85
6.	“Урганчкорммаш” АЖ	24,38%	0,71
